

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ ОЙБЕК ДАВРАНОВИЧ**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Алланазаров Ойбек Давранович**

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш ..... 3

**Алланазаров Ойбек Давранович**

Совершенствование методики расследования преступлений, совершенных несовершеннолетними ..... 25

**Allanazarov Oybek Davranovich**

Improvement of the methods of investigating crimes committed by minors..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ ОЙБЕК ДАВРАНОВИЧ**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Yu164 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ражабов Бахтиёр Алмахматович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Мўминов Бехзод Абдувахобович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 28 январь куни соат 12<sup>00</sup>даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1166-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2022 йил 15 январь куни тарқатилди.

(2022 йил 14 январьдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



**А.С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р. Кабулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар тобора ортиб бормоқда. Ер юзида сўнгги йилларда содир этилган жиноятларнинг 30-40 фоизи вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келади<sup>1</sup>. Хусусан, Америка Қўшма Штатларида жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ҳар 45 сонияда 1 нафардан, кунига 1909 нафар вояга етмаганлар ҳибсга олинаётганлиги<sup>2</sup>, Германияда 392 мингга яқин вояга етмаган шахслар жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинганлиги<sup>3</sup>, Буюк Британияда вояга етмаган гумон қилинувчиларнинг 38,5% қисмини рецидивистлар ташкил этаётганлиги<sup>4</sup>, шунингдек терговнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилмаганлиги оқибатида Францияда 2500 нафар вояга етмаганларга нисбатан етарли асосларсиз айблов эълон қилинганлиги<sup>5</sup> ушбу тоифадаги шахсларнинг жиноятларини тергов қилиш методикасини чуқурроқ таҳлил қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳонда 18 ёшга тўлмаган шахсларга айбсизлик презумпцияси, унга қўйилаётган айб ҳақида кечиктирмасдан маълум қилиниши, ҳимояланиш ҳуқуқи билан тўлиқ таъминланиши, ишни кўриб чиқишда уларнинг шахсий ҳаёти тўлиқ ҳурмат қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишлар ваколатли органлар томонидан адолатли кўриб чиқилиб, боланинг ёши ва ота-онаси ёхуд қонуний васийларининг мавқеини ҳисобга олган ҳолда кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши назарда тутилган.

Мамлакатимизда 2019 йилда расмий маълумотларга кўра 818 нафар вояга етмаган шахслар томонидан 739 та жиноят содир этилган. 2020 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 53,5%га, жиноят содир этган вояга етмаган шахслар сони эса 56%га ўсган<sup>6</sup>. 2021 йилнинг 11 ойида эса ҳар иккала кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробарга кўпайган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи қатор қоидалар назарда тутилган бўлса-да, назария ва амалиётни чуқур таҳлил қилган ҳолда ушбу тоифадаги ишларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, судга қадар иш юритишда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, шу билан бирга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда янги тактик усулларни амалиётга жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

<sup>1</sup> [www.un.org](http://www.un.org). (мурожаат вақти: 09.10.2021).

<sup>2</sup> <https://www.childrensdefense.org/policy/policy-priorities/youth-justice> (мурожаат вақти: 09.10.2021).

<sup>3</sup> <https://de.statista.com/themen/8074/jugendkriminalitaet-in-deutschland> (мурожаат вақти: 09.10.2021).

<sup>4</sup> [https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/862078/youth-justice-statistics-bulletin-march-2019.pdf](https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/862078/youth-justice-statistics-bulletin-march-2019.pdf) 62-б. (мурожаат вақти: 09.10.2021).

<sup>5</sup> [http://www.justice.gouv.fr/art\\_pix/13-PARTIE12\\_References\\_stastiques\\_justice\\_2019\\_16x24.pdf](http://www.justice.gouv.fr/art_pix/13-PARTIE12_References_stastiques_justice_2019_16x24.pdf). 134-б. (мурожаат вақти: 09.10.2021).

<sup>6</sup> Давлат статистика қўмитасининг расмий статистикаси // <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2> (мурожаат вақти: 11.12.2021).

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш”<sup>1</sup> бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларни самарали ижро этиш мақсадида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг функциявий, ташкилий-техникавий ва методологик хусусиятларини чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (2017), “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги (2019) фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) ва “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасининг айрим жиҳатлари Ғ.А.Абдумажидов, Р.А.Алимова, В.М.Быков, З.Ф.Иноғомжонова, А.А.Матчанов, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, Ф.М.Мухитдинов, А.Н.Норбоев, М.А.Ражабова, Г.П.Сарқисянц, Г.З.Тулаганова, Б.Я.Усмонов, М.К.Утениязов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

Жумладан, мавзунинг айрим илмий йўналишлари доирасида: Э.Г.Кашкетнинг “Правовые и организационные проблемы производства по делам несовершеннолетних (по материалам Республики Узбекистан)”, А.Б.Кулахметовнинг “Прекращение уголовного дела с передачей материалов на рассмотрение комиссии по делам несовершеннолетних”, А.А.Базаровнинг “Процессуальные гарантии обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних на стадии предварительного расследования”, Н.А.Рамазонованинг “Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти”, А.Ирсалиевнинг “Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини биринчи босқич судида юритишнинг хусусиятлари”, Ғ.А.Нормуродовнинг “Гумон қилинаётган вояга етмаган ўсмирларни сўроқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//www.lex.uz. (мурожаат вақти: 05.02.2021).

қилишнинг психологик хусусиятлари”, Н.Т.Исмоиловнинг “Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари”, Б.М.Умаровнинг “Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари” мавзусида номзодлик ҳамда фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилинган. Мазкур тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳамда мавзунинг айрим жиҳатларига оид масалалар ҳам ўрганилган<sup>1</sup>.

Хорижий олимлардан: Т.В.Аверьянова, О.Я.Баев, Р.С.Белкин, В.П.Бахин, И.А.Возгрин, И.Ф.Герасимов, А.Ю.Головин, С.А.Голунский, В.Л.Григорович, Я.Л.Драпкин, Л.Я.Драпкин, В.Г.Дремов, В.Ф.Ермолович, Е.П.Ищенко, Л.Л.Каневский, В.Н.Карагодин, В.К.Комаров, Ю.Г.Корухов, Г.Ю.Маннс, В.Т.Очередин, Е.В.Ремизова, И.Н.Якимов, Н.И.Хлюпин, Е.Р.Российская, И.И.Рубцов, А.Г.Филиппов, А.М.Хлус, АЛ.Эксархопуло, Н.П.Яблоковлар томонидан вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишнинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Бевосита вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикаси, улар билан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасининг хусусиятлари билан боғлиқ масалаларни ўрганган олимлардан Л.Ю.Аксенова, А.С.Антимонов, И.О.Бондарева, Е.В.Васкэ, Н.Т.Ведерников, О.П.Виноградова, М.А.Грибанова, А.А.Григорян, О.Ю.Гроголева, И.А.Даниленко, Р.З.Еникеев, А.А.Жиркова, Т.В.Исакова, А.А.Казаков, В.Н.Карагодин, Д.Л.Кокорин, Ю.В.Малахова, Е.А.Марина, С.В.Мосина, И.А.Неупокоева, О.В.Поликашина, В.Г.Просвирнин, О.Н.Процюк, А.Г.Сапова, С.А.Сулейманова, С.Е.Тимошенко, П.А.Титоваларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасининг айрим жиҳатлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, қонунчиликдаги ўзгаришлар, замон ривожланиши билан вояга етмаганларнинг фикрлаши, дунёқараши ва жиноят содир этиш усуллариининг ўзгариши суд-тергов амалиётини чуқур тадқиқ қилган ҳолда янги методик ишланмалар яратиш, ушбу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича монографик тадқиқот олиб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури”нинг “Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари” (6-банди) номли фундаментал илмий тадқиқот мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш амалиётида вужудга келаётган муаммоларнинг сабабларини таҳлил этиш, уларнинг структуравий хусусиятларини очиб бериш ҳамда шу соҳага оид назарияни, амалиётни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг илмий-амалий хусусиятларини ретроспектив таҳлил қилиш;

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

вояга етмаганлик ҳолатининг биологик-физиологик, руҳий ва ижтимоий, ҳуқуқий тузилиши асосида илмий тушунчасини очиб бериш ҳамда шу асосда унинг криминалистик аҳамиятини кўрсатиб бериш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифига оид назарий қарашлар тизимини таҳлил қилган ҳолда, уни амалиёт эҳтиёжига монанд равишда шакллантириш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботлаш фаолиятини амалга ошириш механизмларини тўлдирувчи ва унинг самарали ишлашини таъминловчи элементлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни шакллантириш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш, терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ўзига хос тактик жиҳатларини асослаш;

вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи билан психологик алоқа ўрнатиш, процессуал ҳаракатларда педагог ва психолог имкониятларидан фойдаланиш ҳамда айрим турдаги тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасининг ташкилий асослари ва амалиёт натижаларини таҳлил қилиш асосида мазкур фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишига доир айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларнинг илғор тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш, тергов қилиш ва олдини олиш фаолиятининг позитив амалиёти билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот предметини** вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти, суд-тергов амалиётида мавжуд методик тавсиялардан фойдаланиш ҳолати, юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар, халқаро шартнома ва келишувлар, ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда статистик маълумотлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тарихийлик, ривожланиш, анализ, синтез, индукция, дедукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

1) вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокида амалга оширилиши зарурлиги асослаб берилган;

2) вояга етмаган айбланувчига суриштирув ва дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилиш ҳамда иш материалларини таништириш жараёнида қонуний вакили иштирок этиши зарурлиги асослантилган;

3) ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жинойат жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ривожланишида ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаганлиги сабабли ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган вояга етмаган шахсни алоҳида



шароитларда тарбиялаш ва таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга ошириш зарурлиги асослаб берилган;

4) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда жиноят процесси иштирокчиларининг лотин ёки кирилл алифбосидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ўқишни билмайдиган жиноят процесси иштирокчиларига тегишли мутахассисларнинг иштироки таъминланиши зарурлиги асосланган;

5) вояга етмаган шахсни зиддиятли вазиятларда сўроқ қилишда “афсонага йўл қўйиш”, кутилмаганда саволлар бериш ва далилларни тақдим қилиш каби бир нечта тактик усулларнинг бир вақтда қўлланилиши, шунингдек таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўришда таниб олинувчининг ташқи қиёфа белгиларини оғзаки портрет усулидан фойдаланган ҳолда аниқлаштирилиши ушбу тергов ҳаракатларини амалга оширишда муҳим ва самарали тергов методлари сифатида намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тўртта босқичга ажратилган ҳолда ретроспектив таҳлил қилинган;

“вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи”га муаллифлик таърифи берилган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вояга етмаганлар томонидан энг кўп содир этилаётган жиноят таҳлил қилиниб, уларнинг криминалистик тавсифи шакллантирилган;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговнинг дастлабки босқичида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритми таклиф этилган;

вояга етмаганлар жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасига аниқлик киритиш ва уларни кенгайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён ишда ЖПК деб юритилади)нинг 548-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

вояга етмаган шахс иштирокида юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказишда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 91<sup>2</sup> ва 122-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

вояга етмаганлик ҳолатини белгилашда шахснинг ақлий, руҳий ва иродавий жиҳатдан ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолганлик ҳолатини инобатга олиш, вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлашда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқлаштириш бўйича ЖПКга алоҳида қоидалар киритилиши зарурлиги асослаб берилган;

вояга етмаганлар жиноятлари бўйича ишнинг дастлабки босқичидан ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этиши шарт эканлигини, шунингдек зуруратга кўра педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш имкониятини берадиган қоидаларни ЖПКнинг 549, 550 ва 554-моддаларига киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирокчиларнинг ёши, шахсига хос хусусиятлари ҳамда тергов вазиятидан келиб чиқиб, ҳақиқатни аниқлашга хизмат қиладиган тактик усуллар тавсия этилган;

вояга етмаган шахсни зиддиятли тергов вазиятида сўроқ қилишда психологик алоқа ўрнатиш, юзага келадиган психологик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ҳақиқатга мос келувчи кўрсатувларни олиш мақсадида қўлланиладиган тактик усуллар ҳамда педагог ва психолог имкониятларидан фойдаланиш тактик схемаси ишлаб чиқилган;

вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув босқичидан ишни судга оширишгача бўлган босқичларда амалга ошириладиган процессуал ва тактик ҳаракатлар алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда илмий жиҳатдан асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2018-2020 йилларида республикамиз судларида кўриб чиқилган вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга оид 317 та жиноят ишлари, 330 нафар туман-шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиқлари, суриштирувчилар ва терговчилар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асослантирилган.

Хулосалар тадқиқотнинг мақсади ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид муаллифнинг қарашлари, таклифлари, ўтказилган сўров натижалари таҳлили, диссертант томонидан шахсан тергов қилинган ишлар ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таяниб ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи қонун нормалари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, “Тергов фаолияти”, “Жиноятларни тергов қилиш методикаси”, “Криминалистик тактика” ва “Жиноят-процессуал ҳуқуқи” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, келгусидаги илмий-тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, вояга етмаганлар жиноятларни тергов қилиш амалиётини такомиллаштиришга, ишни судга қадар юритишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар билан ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни тўғри ташкил этишга, соҳага оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокида амалга оширилиши зарурлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги “Бола ҳуқуқларининг

кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-587-сон қонуни билан ЖПКнинг 553-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 05/1-01/199-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши ишни судга қадар юритишда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилган;

вояга етмаган айбланувчига суриштирув ва дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилиш ҳамда иш материалларини таништириш жараёнида қонуний вакили иштирок этиши зарурлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-587-сон қонуни билан ЖПКнинг 559-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 05/1-01/199-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши суриштирув ва дастлабки терговни тамомлаш жараёнида қонун талаблари бузилишининг олдини олишга хизмат қилган;

вояга етмаган шахс ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ривожланишида ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган ҳолларда уни алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга ошириш мақсадида ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилишига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон қарори билан тасдиқланган Республика ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомнинг 21-банди иккинчи кичик бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 12/21-25-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий-педагогик реабилитацияси мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилишига хизмат қилган;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда жиноят процесси иштирокчиларининг лотин ёки кирилл алифбосидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ўқишни билмайдиган жиноят процесси иштирокчиларига тегишли мутахассисларнинг иштироки таъминланишига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 54-банди “в” кичик банди иккинчи қисмини ишлаб

чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2020 йил 14 октябрдаги 18/-5966-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ўтказилган тергов ҳаракатлари бўйича тузилган процессуал ҳужжатлар билан танишиб чиқишда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилган;

вояга етмаган шахсни зиддиятли вазиятларда сўроқ қилишда “афсонага йўл қўйиш”, кутилмаганда саволлар бериш ва далилларни тақдим қилиш каби бир нечта тактик усулларнинг бир вақтда қўлланилиши, шунингдек таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўришда таниб олинувчининг ташқи қиёфа белгиларини оғзаки портрет усулидан фойдаланган ҳолда аниқлаштириш каби самарали тергов методларини қўллашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларида вояга етмаганлар жиноятларни тергов қилиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 2020 йил 14 октябрдаги 18/-5965-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши вояга етмаганлар иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатларида иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни аниқлаш имкониятларини кенгайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 5 та халқаро, 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та (шундан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ўн та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар жиноятларининг криминалистик тавсифи ва ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишга оид қонун нормаларининг ретроспектив таҳлили”**га бағишланган биринчи боби учта параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш ҳуқуқий асослари ва методикасининг шаклланиши ҳамда ривожланиш жараёнлари, “вояга етмаганлик” тушунчаси ва унинг криминалистик аҳамияти ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи,

улар томонидан энг кўп содир этилаётган айрим турдаги жиноятларнинг криминалистик аҳамиятга эга бўлган жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида “Авесто”, “Қуръони карим”, “Ҳадис”, “Мухтасар” каби тарихий манбалар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Абдулазиз Мансур, Ғ.Абдумажидов, Х.Бахронов, Ҳ.Бобоев, Т.Дўстжонов, Э.Кашкет, Ф.Лунёв, Ф.Мухитдинова, Р.Овинникова, Я.Олимов, М.Ражабова, Е.Ремизова, А.Саидов, Ж.Тошқулов, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, Д.Шумаев, С.Ҳасанов ва бошқа олимларнинг илмий асарларидаги мавзу предметида оид илмий ёндашувлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича иш юритиш асосларининг шаклланишини ва тергов қилиш методикасининг ривожланиш тарихи шартли равишда тўрт босқичга ажратилди:

*биринчи босқич* – қадимги даврлардан эрамизнинг VII–VIII асрларига қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, жиноятлар бўйича иш юритиш одат ҳуқуқи ҳамда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” асосида тартибга солинган, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга алоҳида ёндашув мавжуд бўлмаган;

*иккинчи босқич* – VIII асрдан то XIX асрнинг ўрталарига қадар бўлган даврни қамраб олиб, бу даврда қозилик ишларини юритишда вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланиш хусусиятларига, далилларнинг ишонарли ва мақбул бўлишига эътибор қаратила бошланган;

*учинчи босқич* – XIX асрнинг ўрталаридан 1991 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишга бағишланган аниқ қоидалар норматив ҳужжатларда ифодаланган, уларнинг ёшини аниқлаш, терговда қонуний вакил ва педагог иштирокини таъминлаш тартиби белгиланган ҳамда вояга етмаган шахслар билан айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг тактик усуллари ишлаб чиқилган;

*тўртинчи босқич* – 1991 йилдан бугунги кунга қадар бўлган даврни қамраб олиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишга оид қоидалар тизимлаштирилган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар ривожлантирилган.

Тадқиқот ишида эътироф этилишича, советлар даврида қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексларида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишга бағишланган алоҳида қоидалар юзага келганлиги ҳамда улар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос методикаси шакллана бошлаган. Ушбу даврда жиноятларни тергов қилиш методикасига оид тавсиялар даставвал С.Голунский, В.Громов, П.Михеев, С.Потапов, П.Семеновский, И.Якимовлар томонидан яратилган ва кейинчалик Л.Ароцкер, Р.Белкин, А.Винберг, Н.Гуковской, Е.Зицер, В.Колмаков, П.Тарасов-Родионов, С.Тихенколарнинг илмий асарларида бу масалалар янада ривожлантирилган. Хусусан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасининг айрим жиҳатлари бўйича илк маротаба Г.Маннс ва Б.Шаверлар томонидан қўлланмалар яратилиб, уларда амалиёт ходимлари учун тактик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф 1918 йил 14 январда РСФСР Халқ комиссарлари совети томонидан қабул қилиниб “Вояга етмаганлар учун комиссиялар ҳақида”ги Декрет асосида вояга етмаганларни суд қилиш ва уларга жазо қўллаш амалиёти тўлалигича бекор қилинган ҳамда уларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар 1922 йилга қадар

таркибига адлия, халқ таълими ва ижтимоий таъминот вакиллари киритиладиган камида уч кишидан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия томонидан кўриб чиқилган қисқа вақтни ювенал адлия тизими амалда бўлган давр сифатида эътироф этади. Шунингдек, ишда 1922 йилдан 1959 йилга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, уларда ушбу амалиётга тўлалигича барҳам берилганлиги, вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча турдаги жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказиш мажбурий қилиб белгиланганлиги ҳамда уларнинг жиноий жавобгарлиги кучайтириб борилганлиги таъкидланади.

Диссертацияда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга оид нормалар тизимлаштирилиб, ЖПКга илк мартаба алоҳида боб сифатида киритилишининг аҳамиятини очиб берган ҳолда, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган қоидалар жиддий равишда такомиллаштирилиши кераклиги эътироф этилади.

Тадқиқотда халқаро декларация ва конвенциялар, республикадаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда олимларнинг фикр-мулоҳазалари, шунингдек Германия Федератив Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Озарбайжон ва Арманистон республикалари қонунчилигидаги “вояга етмаганлар” ва “болалар” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, улардаги ўзига хос ёндашувлар кенг равишда таҳлил қилиниб, вояга етмаганликнинг фақат шахс муайян ёшга тўлганлиги билан аниқланиши тўғри бўлмаслиги, бу борада шахснинг ақлий, руҳий ва иродавий жиҳатдан ривожланганлик ҳолати инобатга олиниши зарурлигини асослантиришга ҳаракат қилинади. Шунга биноан муаллиф “вояга етмаганлар” дейилганда – 18 ёшга тўлмаганлар, шунингдек 18 ёшга тўлган бўлса-да, ақлий, руҳий ва иродавий жиҳатдан ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолган ҳамда содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмайдиган шахслар тушунилиши лозимлигига оид қарашларни ҳимоя қилади (ушбу таъриф анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 88 % томонидан маъқулланган) ҳамда шу мазмундаги қоидани ЖПКга киритилишини таклиф этади.

Вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлаш масаласида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидалар таҳлил қилиниб, Н.Ашурова, А.Базаров, Ш.Ганибоева, Н.Рамазоновалар томонидан билдирилган фикрлар билан мунозарага киришилган ҳолда, ушбу масалага оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келинган. Муаллиф бундай хулосага Россия Федерацияси, Украина, Молдова ва Туркменистон республикалари қонунчилигидаги нормаларни ўрганиш, улардаги амалиётда самарали натижа бераётган қоидаларнинг асосларини таҳлил қилиш натижасида келади. Шу асосда диссертацияда ЖПКга “Вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлаш” деб номланган янги модда киритиш зарурлиги асослантирилиб, (ушбу таклиф анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 96 % томонидан маъқулланган), унда вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлаш тартиби, унинг психологик ривожланишида ўз ёшига нисбатан ортда қолганлигига шубҳа туғилганда комплекс экспертиза тайинлаш орқали аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга эътибор қаратилади.

Илмий изланишда “вояга етмаганлар жиноятларининг криминалистик тавсифи” тушунчаси ва унинг элементларини ёритишга ҳам катта эътибор қаратилган. Диссертант Ғ.Абдумажидов, Т.Аверьянова, Р.Алимова, О.Баев, Р.Белкин, И.Возгрин, Ю.Корухов, Г.Матусовский, А.Норбоев, В.Образцов, Е.Российская, А.Филиппов, Н.Хлюпин, Н.Яблоков ва бошқа олимларнинг жиноятларнинг криминалистик тавсифи тушунчаси ҳамда унинг элементларига оид фикр-мулоҳазалари билан баҳсга киришиб, “вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи”нинг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Муаллифнинг нуқтаи назарича, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг “криминалистик тавсифи” тушунчаси мазмунида бошқа турдаги жиноятлардан фарқли равишда “вояга етмаган шахснинг аклий, иродавий ва руҳий ривожланиши, турмуш ва тарбияланиш шароитларининг ўзига хос хусусиятлари” акс эттирилиши зарур. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементлари бошқа турдаги жиноятлардан фарқ қилиши ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Вояга етмаганлар томонидан 2018-2020 йилларда содир этилган жиноятларнинг статистик маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф уларнинг 60 %га яқини ўғирлик, безорилик ҳамда оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари ҳиссасига тўғри келиши, ушбу жиноятларнинг аксарияти Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида содир этилаётганлиги ҳақида тўхтамга келган. Мазкур маълумотлар асосида диссертант ушбу ҳудудларда ўғирлик, безорилик ҳамда оғир тан жароҳати етказиш ҳолатлари бўйича тергов қилинган жами 317 та жиноят ишларини ўрганиб чиқиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик аҳамиятга эга бўлган жиҳатларини тавсифий белгиларини очишга уринади.

Тадқиқотчининг аниқлашича, қасддан баданга шикаст етказиш ва безорилик жиноятлари жабрланувчиларининг 92,5 фоизини эркаклар, 7,5 фоизини аёллар ташкил этса, ўғирлик жиноятлари жабрланувчиларининг 69,5 фоизини эркаклар, 30,5 фоизини аёллар ташкил этади. Шунингдек, жиноят предметларини пул ва қимматбаҳо буюмлар (43,6 %), телефон, компьютер техникаси жиҳозлари ва бошқа техникалар (22 %) ташкил этиб, моддий зарар катта ҳажмда етказилмайди (58,6 % ҳолатларда 5 млн. сўмгача). Диссертант вояга етмаганлар жиноятларининг катта қисми кўчалар, хонадонлар ва подъездлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг биноларида (86,8 %) кечки вақтда (18<sup>00</sup> дан кейин) содир этилиши, қотиллик, тан жароҳати етказиш ва безорилик жиноятлари, кўпинча, шовқин-сурон солиб атрофдагиларни безовта қилиб, муттасил равишда дўшпослаб, тош, ёғоч ёки темир бўлаги, уй-рўзғор анжомлари (пичоқ, болта ва бошқа ўткир тиғли жисмлар)дан фойдаланиб содир этилиши (34,6 %) ҳамда улар томонидан жиноят қуроолларини яшириш чоралари деярли кўрилмаслигини баён этган. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг аксарияти қисми 16-17 ёшдаги ўғил болалар ҳиссасига тўғри келиб (60-70 %), уларнинг аксариятини (90 %дан ортиғи) илк маротаба жиноятга қўл урган шахслар ташкил этиши, гуруҳ таркибида жиноят содир этилганда, асосан, икки ёки уч киши иштирок этиши (85-90 %) тўғрисида хулосага келинган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш босқичларида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар”** деб номланган иккинчи бобида ушбу тоифадаги ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш,

терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида исботланиши лозим бўлган ҳолатларга оидлик киритиш борасида амалга ошириладиган процессуал ва тактик ҳаракатларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тергов амалиётидаги маълумотларнинг таҳлилига асосланиб, тадқиқотчи вояга етмаганлар ишлари бўйича ЖПКнинг 548-моддасида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатларга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги тўғрисида қатъий хулосага келади. Изланиш давомида ўрганилган 317 та жиноят ишларининг 89,9%да вояга етмаган гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг саломатлиги ҳолати, 52,4%да шахсига хос хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаганлиги аниқланган. Муаллифнинг фикрича, ушбу ҳолат вояга етмаган шахсларни жиноят содир этишига шароит яратган ҳолатлар аниқланмасдан қолинишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ишда ЖПКда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳам тергов амалиётида йўл қўйилаётган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири сифатида эътироф этилиб, уларга аниқлик киритиш ва тўлдириш зарурлиги асослантирилади, уларнинг асоси ва муҳим йўналишлари таклиф этилади.

Хусусан, ЖПКнинг 548-моддасида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига вояга етмаган шахснинг жисмоний, ақлий, руҳий ва иродавий ривожланганлик даражаси, характери, темпераменти ва ҳамда шахсига хос бошқа хусусиятлар, унинг жиноят содир этишдан олдинги ва кейинги хулқ-атвори, илгари содир этган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари, катта ёшдагиларнинг ижобий ёки салбий таъсири каби нормалар киритилиши зарурлиги асослаб берилди (ушбу масала анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 90,3 % томонидан маъқулланган). Ушбу нуқтаи назарларни илгари суришда тадқиқотчи Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари Жиноят-процессуал кодексларини, шунингдек У.Ахмедов, Н.Гребнева, И.Даниленко, Р.Еникеев, Т.Исакова, В.Просвирнин, Н.Рамазонова ва А.Қулахметовларнинг ёндашувларини чуқур таҳлил қилиб чиқади.

Диссертацияда қонунчилик ва тергов амалиётининг таҳлили асосида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ҳимоячи ва қонуний вакилнинг иштирокини таъминлашга оид қоидалар етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳамда бу ҳолат шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли, терговга қадар текширув давридан бошлаб ишда қонуний вакил ва ҳимоячи иштирокини таъминлаш зарурати асослаб берилган.

Диссертацияда Германия Федератив Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Грузия давлатлари тажрибасини ўрганиш, олимлардан М.Ботаев, Л.Комарова, Т.Маркова, Б.Ражабов, Г.Тўлагановаларнинг ушбу йўналишдаги фикрлари таҳлил қилинган ҳолда, ЖПКнинг нормаларига вояга етмаганлар жиноятларига оид ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш давридан бошлаб ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокини сўзсиз таъминлаш зарурлиги эътироф этилади ҳамда тегишли моддаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари шакллантирилади.



Шунингдек, илмий изланишда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

а) вояга етмаган шахсдан дастлабки тушунтиришлар олиш вақтидан бошлаб, ишда ҳимоячининг ҳамда қонуний вакил иштирокини таъминлаш;

б) биринчи марта жиноят содир этган вояга етмаган шахснинг ички ишлар органи биносига келтирилиши ва унга бегона бўлган муҳитга тушиши руҳиятига салбий этиши мумкинлигини инобатга олиб, у билан ўтказиладиган ҳаракатларда педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш;

в) вояга етмаган шахснинг лотин ёки кирилл алифбосидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқини, ўқишни билмайдиган ҳолларда тегишли мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш;

г) вояга етмаган шахс назоратсиз ёки қаровсиз қолган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, шахси аниқланмаган ёхуд аниқ яшаш жойи бўлмаса, уни вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилиши;

д) терговга қадар текширув органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатларни аниқлаш;

е) вояга етмаган шахс қасддан содир этган ўта оғир жинояти учун унинг муносиб ҳулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда ушлаб турилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, диссертацияда терговга қадар текширув даврида вояга етмаган шахснинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари ҳамда шахсига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва процессуал ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилади. Муаллифга кўра, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговнинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган ҳаракатлар терговга қадар текширув босқичининг натижалари ҳамда вояга етмаган шахс ҳуқуқларининг таъминланганлик ҳолати билан боғлиқ. Негаки, терговга қадар текширув даврида тўпланган ҳужжатларни ўрганиш орқали жинойий ҳодиса тафсилотлари ва уни содир этган вояга етмаган шахс борасида юзага келган дастлабки фикрлар тергов вазиятига баҳо беришга, жиноят содир этиш механизми, жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари, уни содир этган шахслар борасида муайян тусмоллар ишлаб чиқирилишига хизмат қилиши лозим.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикаси ва улар иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари тактикасини такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи билан психологик алоқа ўрнатиш, вояга етмаганлар билан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда педагог ва психолог имкониятларидан фойдаланиш, уларни сўроқ қилиш, юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказишга оид процессуал қоидалар ва тактик усуллар таҳлил қилинган, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг қатъий фикрича, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда улар билан зарур психологик алоқа ўрната билмаслик, уларнинг шахсига хос хусусиятларига етарлича эътибор бермаслик тактик усуллар нотўғри танланишига олиб келиши ва оқибатда зиддиятли

вазиятни юзага келтириши ҳамда масъул шахснинг кўрсатув олиш учун қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби ғайриқонуний усуллардан фойдаланишига таъсир этиши мумкин.

Бу борада ўтказилган анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 75,8 % вояга етмаганларни сўроқ қилишда улар билан психологик алоқа ўрнатиш масаласида турли хил муаммоларга дуч келаётганликларини билдиришган. Шу муаммолар асосида муаллиф вояга етмаган шахс билан психологик алоқа ўрнатишда юзага келадиган типик тергов вазиятларини куйидаги турларга ажратади: а) дастлабки мулоқот натижасида вояга етмаган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш учун ижобий муҳит юзага келиши; б) вояга етмаган шахснинг табиатига хос бўлган тортинчоқлик, терговчидан ётсираш ва шу каби хусусиятлари унчалик қулай бўлмаган вазиятни юзага келтириши; в) психологик алоқа ўрнатишда тўсиқларнинг юзага келиши. Мазкур вазиятлар вужудга келганда суриштирувчи ва терговчилар учун ташкилий ва тактик хусусиятга эга бўлган усулларни қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида суриштирувчи ва терговчилар томонидан сўроқ қилишда зиддиятли вазиятларда турли тактик усуллардан фойдаланиш амалиётининг бугунги ҳолатини аниқлаштириш борасида анкета сўровлари ўтказилган. Анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 67,3 % томонидан вояга етмаган гумон қилинувчи кўрсатув беришдан бош тортган ёки ёлғон кўрсатув берган ҳолатларда сўроқ қилишнинг самарали тактик усулларидан фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди. Шу ҳолатларни инобатга олиб, диссертант сўроқ қилишда тергов вазиятидан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсга психологик таъсир қилиш ва уни тўғри кўрсатувлар беришга ундаш мақсадида деталлаштириш, унутиб қолдирилган ҳолатлар бўйича қўшимча саволлар бериш, ҳодиса содир бўлган жой фотосурати, схемаси ёки видеоёзувларини намойиш этиш, далилларни тақдим этиш, ҳодиса содир бўлган жойдаги ўзи ва бошқа шахсларнинг ҳаракатларини ёки кўрсатмасида тасвирлаган предметнинг суратини чизиб кўрсатишини таклиф этиш, ҳодисани бир нечта қисмларга ажратиб, ҳар бир қисми бўйича алоҳида сўроқ қилиш, тескари хронология бўйича сўроқ қилиш, “афсонага йўл қўйиш”, сўроқ давомида қисқа ва узок муддатли танаффуслар қилиш, сўроқ қилишни ҳодиса содир бўлган жойда давом эттириш ҳамда шу каби бошқа тактик усуллардан фойдаланиш зарурлигини эътироф этади. Мазкур усулларнинг ҳар бирига тааллуқли ташкилий-тактик тавсиялар шакллантирилади.

Бундан ташқари, диссертацияда қайд этилишича, вояга етмаган шахс кўрсатув бериш вақтида ўз ёши, ақлий ва руҳий ривожланиши, ҳаётий тажрибасига хос бўлмаган айрим иборалар ва атамалардан фойдаланиши ҳамда ёдлаб олинган матнни такрорлаб айтишга хос ифода усулларидан фойдаланиши унга катта ёшдаги бошқа шахслар томонидан таъсир ўтказилаётганлигини англатади. Шу каби вазиятлар юзага келганда уларни бартараф этиш мақсадида тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин тузиладиган тусмоллар қаторига киритиш ҳамда шунга мос бўлган тактик усулларни қўллаш зарурлиги таъкидланади.

Тадқиқотчи амалиётдаги ҳолатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, вояга етмаган шахс кўрсатувидаги қарама-қаршиликларни бошқа тергов ҳаракатлари билан бартараф этиш имкони бўлмаганда ва бу тергов ҳаракати орқали кутилган

натижага эришиш мумкинлигига етарли асослар бўлгандагина юзлаштириш ўтказилиши, ушбу тергов ҳаракати вояга етмаганларнинг психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкиллаштирилиши, юзлаштириш иштирокчиларининг ёши, шахсига хос хусусиятлари ва тергов вазиятидан келиб чиқиб кўрсатув бериш навбати белгиланиши, юзлаштириш давомида қонунчиликка мос келмайдиган, иштирокчилар ўртасидаги зиддиятни мураккаблаштиришга йўналтириладиган, вояга етмаган шахсга салбий психологик таъсир кўрсатадиган ва бошқа нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган тактик усуллардан фойдаланмаслиги зарур, деган хулосага келган.

